Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 7 сентябрь 1974 йил, шанба • № 209 (15.989). Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НОВОРОССИЙСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 6 сентябрда қаҳрамон шаҳар Новороссийскка жўнаб кетди.

Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни В. В. Гришин, А. А. Громико, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари К. В. Русаков, К. У. Черненко, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар С. К. Цвигун, В. Ф. Шауро, граждан авиацияси министрининг биринчи ўринбосари А. Н. Катрич, КПСС Марказий Комитети ишлар бошқарувчисининг биринчи ўринбосари М. И. Кувшинов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ва бошқалар бор эди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари Г. Э. Цуканов, А. М. Александров, В. А. Голиков ўртоқлар Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА РАҲБАРЛИКНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎРТА МАХСУС МАЪЛУМОТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ҲАҚИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарликни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳақида» қарор қабул қилдилар. Мамлакат халқ маорифининг умумий системасида, дейилади қарорда, ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалиги барча тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш ишида муҳим ўринни эгаллайди. Ҳар йили техникумлар ва билим юртларини бир миллиондан ортиқ киши битириб чиқмоқда. Бу эса халқ хўжалигининг мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжларини асосан қондириш имконини беради. Ўрта махсус билим юртлари ёшларнинг умумий ўрта таълимини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Қарорда ўқтириб ўтилади ки, социал-иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни бажариш ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарликни янада такомиллаштиришни, мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишни, ўқувчиларни ғоявий-сиёсий тарбиялашни яхшилашни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига ҳамда СССРнинг бошқа министрликлари ва идоралари коммунизм қурилиши вазифаларига, илмий-техника тараққиёти эҳтиёжларига мувофиқ равишда ўрта махсус таълимни янада ривожлантиришни таъминлаш, мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга, ўқиш процессини такомиллаштиришга, таълим ва тарбияни коммунистик қурилиш практикаси билан узвий қўшиб олиб боришга алоҳида эътибор бериш вазифасини юкладилар.

Партия органларига ўрта махсус ўқув юртларидаги бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, раҳбар ва ўқитувчи кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш устидан контролликни кучайтириш, ижтимоий фанларнинг ўқитилиши, ўқувчилар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишлар, уларда коммунистик эътиқод, юксак аҳлоқий ва маънавий фазилатларни шакллантириш учун, марксизм-ленинизм, совет ватанпарварлиги ҳамда меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбияланган ҳар тарафлама камол топган мутахассислар тайёрлаш учун партия ташкилотлари ва педагоглар коллективларининг масъулиятини ошириш таклиф этилди.

Совет ва хўжалик органлари, дейилади қарорда, мутахассислар тайёрлашни планлаштиришни янада яхшилаш, улардан фойдаланишдаги нуқсонларни тугатиш, ишлаб чиқаришда ўрта бўғинда мутахассисларнинг ролини ошириш чораларини кўришлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари ва идоралари иштирокида Иттифоқдош республика ва республика министрликлари ҳамда Иттифоқдош республикалар идоралари қарамоғида бўлган ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарликни камроқ министрлик ва идоралар зиммасига юклаш масаласини қараб чиқиш ва ҳал этиш, шу билан бирга ўрта махсус ўқув юртларини маҳаллий бошқарув органларидан бевосита тегишли республика ва иттифоқ-республика министрликлари ҳамда иттифоқдош республикалар идоралари қарамоғига топшириш масаласини қараб чиқиш топширилди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, СССР Министрликлари ва идораларига 1975—1977-йиллар мобайнида СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан келишиб, мутахассислар тайёрлашда зарур даражадаги кооперациялашни назарда тутиб ўрта махсус ўқув юртларини тармоқ принципи бўйича янада ихтисослаштириш таклиф этилди.

Қарорда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳузурида ўрта махсус таълим бўйича кенгаш ташкил этиш кўзда тутилади. Бу кенгашга мамлакатда ўрта махсус таълимни ривожлантириш масалалари юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш топширилади. Иттифоқдош ва автоном республикалар пойтахтларида, ўлка ва область марказларида ўрта махсус ўқув юртлари директорларининг кенгашлари тузилади.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳузурида қайси идорага бўйсунишдан қатъий назар, ўрта махсус ўқув юртларини текшириб туриш учун давлат инспекцияси ташкил этилади. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги иштирокида иттифоқдош республикалар Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари (халқ маорифи министрликлари) ҳузурида ўрта махсус ўқув юртлари республика инспекцияларини тузиш тўғрисидаги масалани ҳам қараб чиқиш топширилди.

Ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислардан халқ хўжалигида кенгроқ фойдаланиш мақсадида Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, СССР Министрликлари ва идораларига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи Давлат комитети, СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети ва ВЦСПС билан келишиб, тегишли тармоқларда ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг функциясини белгилаш ва ўрта махсус маълумот талаб қиладиган касблар ҳамда лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш топширилди.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига олий ўқув юртларининг инженерлик-педагогика факультетларида ўрта махсус ўқув юртлари учун инженер-педагоглар тайёрлашни ташкил этиш; олий ўқув юртлари ҳузурида махсус ўрта ўқув юртлари ўқитувчилари малакасини ошириш факультетлари тармоғини кенгайтириш топширилди.

Ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчиларини илғор корхоналарга тегишли соҳанинг ташкилотларига уч ойгача муддат билан стажировкага юбориш мақбул деб топилди. Ишдан ажратилган ҳолда олий ўқув юртлари ҳузуридаги ўқитувчилар малакасини ошириш факультетларига, шунингдек корхона ва ташкилотларга стажировкага юборилувчи ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларини моддий жиҳатдан таъминлаш шарт-шароитлари кўзда тутилди. Ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ва раҳбар ходимларини 5 йилда камида бир марта мунтазам равишда аттестациядан ўтказиб туриш жорий этилади.

Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига, СССРнинг министрликлари ва идораларига ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув ишлаб чиқариш базаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни таъминлашлари, янги ўқув корпуслари, устаҳоналар, ўқувчилар учун ётоқхоналар ва ошхоналар қуриш ва ишлаб турганларини кенгайтиришни таъминлаш таклиф этилди.

СССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан биргаликда ўқувчилар учун юқори сифатли стабил дарсликлар ва ўқув қуроллари ҳамда ўқитувчилар учун методик қўлланмалар яратиш чораларини кўриш; СССР Фанлар академияси, СССР Педагогика фанлари академияси олимларини, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг етакчи муаллимларини, шунингдек, халқ хўжалиги мутахассисларини шундай дарсликлар ва ўқиш қуроллари яратишга кенгроқ жалб этиш; ўрта махсус ўқув юртлари учун энг яхши дарсликлар яратиш конкурсларини вақт-вақти билан ўтказиб туриш таклиф этилди.

ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларини коммунистик руҳда тарбиялаш борасида касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишларининг мазмуни, шакли ва методларини янада такомиллаштиришни таъминлашга, бўлғуси мутахассисларда мустақил ташкилотчилик ва ижтимоий-сиёсий иш малакаларини активроқ камол топтиришга, уларни ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишга жалб этишга, маданий-оммавий ва спорт ишларининг кенг кўламда ривожланишини таъминлашга, ўқув юртлари ўқувчилари ва ходимларининг уй-жой-маиший шароитлари, умумий овқатланиши ва медицина хизмати яхшиланиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишга даъват этилгандирлар.

СССР Маданият министрлиги, СССР Министрлар Советининг кинематография Давлат комитети, СССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети, СССР Ёзувчилар союзи, СССР Композиторлар союзи ва СССР Рассомлар союзи, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан биргаликда ижодий ташкилотлар билан техникумлар ва билим юртларининг алоқаларини мустаҳкамласинлар, ижодий ходимларни ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларини ватанпарварлик, интернационализм руҳида, аҳлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга қатнашишга активроқ жалб этсинлар, ўқувчиларнинг бадиий ҳаваскорлиги ва техника ижодиётини кенгроқ ривожлантирсинлар.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, министрликлар ва идоралар кечки ва сиртқи таълим формалари бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатини янада ошириш юзасидан зарур чораларни кўрсинлар.

Ўрта махсус ўқув юртларининг стипендия олувчи ўқувчилари ишчи сифатида ишлаб чиқариш практикасидан ўтаётган пайтларида ишлаб чиқаришда иш ҳақи олиш-олмасликларидан қатъий назар уларга стипендия тўлаш кўзда тутилади.

Ўрта махсус ўқув юртларининг педагогика советларига ҳамма предметлар бўйича аъло ва яхши баҳолар олган ва диплом лойиҳасини оқлаган ёки давлат имтиҳонларини шундай баҳоларга топширган битирувчиларга (кундузги бўлимларни битирувчиларнинг 10 процентига қадар) бевосита ўрта махсус ўқув юртини битиргач тегишли мутахассислик бўйича кундузги олий ўқув юртларига белгиланган тартибда киришларига рухсат бериш ҳуқуқи берилди. Бунда уларни одатда айрим группаларда ва қисқартирилган (ўқитиш муддатини кўпи билан 1 йилдан ошармай қисқартган ҳолда) ўқитишни ташкил этиш назарда тутилади.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳузуридаги олий мактаб проблемалари илмий-тадқиқот институтига ҳамда СССР Педагогика фанлари академиясига ўрта махсус таълим проблемаларини ишлаб чиқиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ўрта махсус таълим системасини янада такомиллаштиришни, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилашни муҳим сиёсий ва социал-иқтисодий вазифа деб ҳисоблайдилар ва партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, ўқув юртларининг коллективлари КПСС XXIV съезднинг ўрта махсус таълимни ривожлантириш соҳасидаги қарорларидан келиб чиқувчи вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йил

Шеробод районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз далаларида ҳам дала гвардиячилари пахта йиғим-теримини юксак суръат билан давом эттирмоқдалар. Совхоз пахтаномлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейи шарафига пландаги 7800 тонна ўрнига 12 минг тонна ҳосил кўтаришга қарор қилганлар. Ялпи ҳосилнинг 10 минг тоннасини механизаторлар териб беришга аҳд қилдилар. Суратларда: (чапдан) республикада биринчи бўлиб пахта топшириш йиллик планини муваффақиятли бажарган бригада бошлиқлари Уроз Чориев ва Яхшибой Қаршиев ўртоқлар машина терими сифати ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

А. Усмонов фотоси, (ЎзТАГ).

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

Наманган областидаги хўжаликларда уруғлик учун экилган пахта далаларида йиғим-терим мавсуми бошланди. Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Эгамбердиев бошлиқ бригадаси пахтани танлаб теришга киришди. Пешқадам деҳқонлар адир ерлардаги 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан уруғлик пахта териб олишга аҳд қилдилар. А. Жўраева, Р. Муйдинова, Ҳ. Раҳмонова сингари теримчилар теримнинг биринчи кунида хирмонга 70-80 килограммдан «оқ олтин» топширдилар. Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан А. Отаҳонов, Ж. Бойдадаев, А. Абдираҳимов бошлиқ бригадаларнинг далаларида пахта бир текис очилди. Бу колхоз Чотқол тоғлари этакларидаги қўрик ерларда ҳам деҳқончилик қиладi. Бу ерда ҳам «оқ олтин»ни танлаб териб олишга киришилди. Охунбобоев номли янги совхозда ҳам теримга тушилди.

ЎзТАГ

ТЕРИМ ҚИЗҒИН

Термиз районидаги Карл Маркс номли колхознинг Абдушукур Ўтаев бошлиқ бригада пахтакорлари 90 гектар майдондан бу йил 35 центнердан ингичка толали пахта етиштиришга қарор қилишган. Улар ваъдага вафо қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилишди. Натижада барча майдонларда мўл ҳосил пишиб етилди. Пахта қийғос очилди. Шу кунларда пахта йиғим-терими янада қизитиб юборилди. Ҳар куни социалистик мажбуриятнинг 2-3 процента миқдорида «оқ олтин» теріляпти.

Т. Чоршамбиева, Н. Шодиев, Г. Чориева сингари илғор теримчилар хирмонга 100-120 килограммдан ошириб дур тўкишга эришмоқдалар.

А. САРИМСОҚОВ.

ЮБИЛЕЙ ОБЪЕКТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

ТОШКЕНТДА ЯНГИ КЎПРИК

6 сентябрда Ўзбекистон пойтахтида янги қурилган кўприк устидан қатнов бошланди. Бўсўсув канали устидан қурилган кўприк республика пойтахтидаги иккита катта уй-жой массиви — Чилонзор ва Октябрь массивини бир-бирига туташтиради. Энди бу иккала массив ўртасидаги масофа бир неча баробар қисқарди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи арафасида қурилган бу катта кўприк, мураккаб инженерлик иншоотидир. Бу ерда Бўсўсув 23 метр чуқурликда оқади. Мана шундай баландликда қурилган кўприкнинг 5 пролети 150 метрга етарди. У икки томонга қараб иккитадан автомобилни ўтказа олади. Яқин келажакда бу кўприк орқали троллейбус линияси ўтказилади, деди Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бош бошқармасининг бош инженери А. П. Матвиенко.

Ёрқин кўчаси охирида жойлашган бу кўприкни СССР транспорт қурилиши министрлиги 7-трестининг 13-отряди қурди. 13-отряд коллективи илғори Луначарский кўчасида қўш қават катта йўлни барпо этиб, пойтахт аҳолисига яхши танилган эди. Отряд поездлар қатновини тўхтатмай, янги темирйўл кўпригини ва бошқа бир қанча йирик иншоотлар қурди.

Тошкентдаги «Гордорстройремонт» трестининг коллективи жами узунлиги икки километр келадиган Журжоний ва Назарбек кўчаларининг кўприкка яқин қисмини ободонлаштириш ишларини бажарди.

Юбилей объекти қуриб битказилганлиги ва янги кўприк устидан қатнов бошланганлиги муносабати билан митинг ўтказилди. Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳожаев иштирок этдилар.

ФРАНЦИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

СССР парламент группаси Совет — Франция секциясининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция сенатининг Франция — Совет муносабатларини ривожлантириш группасининг сенатор Жан-Луи Вижье бошчилигидаги делегацияси 6 сентябрда Тошкентга келди. СССР парламент группасининг секретари В. Л. Кудрявцев меҳмонларнинг сафарида ҳамроҳлик қилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов делегацияни қабул қилди. Дўстона суҳбатда у Олий Советнинг фаолияти тўғрисида, республиканинг хўжалик ва маданий қурилишда эришган ютуқлари ҳақида меҳмонларга гапириб берди.

Шу куни делегация шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, унинг янги қурилишларини кўриб чиқди. (ЎзТАГ).

СТРАТЕГИК ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАРНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ ҲАҚИДА

Совет Иттифоқи ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги музокараларни 1974 йил 18 сентябрда Женева шаҳрида СССР ва АҚШ делегациялари ўртасида яна бошлаб юбориш тўғрисида келишиб олдилар.

5 0 0 0 0 0 0 ТОННА УЧУН!

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 6 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан буён.		
Сурхондарё	1,23	5,43
Андижон	1,08	5,16
Қашқадарё	0,99	4,96
Бухоро	0,55	2,00
Фарғона	1,12	1,21
Наманган	0,22	0,58
Жиззах	0,08	0,40
Сирдарё	0,04	0,10
Тошкент	0,05	0,05
Самарқанд	—	—
Хоразм	—	—
ҚҚ АССР	—	—
Республика бўйича:	0,50	1,81

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республика областларида дефолиациянинг борши тўғрисида шу йил 6 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда дефолиация қилинган майдон (гектар ҳисобида); учинчи стун — мавсум бошидан буён (гектар ҳисобида); тўртинчи стун — планнинг бажарилиш проценти.

Тошкент	11469	30560	27,0
ҚҚ АССР	3208	23531	21,4
Сурхондарё	2464	15807	15,8
Жиззах	3418	10394	9,0
Сирдарё	3376	7429	6,3
Бухоро	4	182	0,2
Қашқадарё	176	176	0,2
Андижон	25	25	0,0
Наманган	—	—	—
Хоразм	—	—	—
Фарғона	—	—	—
Самарқанд	—	—	—
Республика бўйича:	24140	88104	6,7

ДОН—ДАВЛАТГА

Республика областларида дон тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 6 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган дон (тонна ҳисобида); учинчи стун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида

Бухоро	[illegible]	[illegible]	94,7
Қашқадарё	16004	[illegible]	70,0
Андижон	21022	[illegible]	67,8
Самарқанд	39545	[illegible]	65,9
Фарғона	14564	[illegible]	58,3
Тошкент	31318	[illegible]	44,1
Сурхондарё	16970	[illegible]	42,4
Жиззах	36966	[illegible]	38,9
Наманган	11303	[illegible]	32,3
Сирдарё	0860	[illegible]	25,8
ҚҚ АССР	—	—	—
Хоразм	—	—	—
Республика бўйича:	258461	[illegible]	41,3

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида давлатга сабзавот-полиз маҳсулотлари, картошка, хўл мева ва узум сотиш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1974 йил 1 сентябргача бўлган якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қўчма Қизил байроғи Андижон областига берилди, (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Раҳимов,** область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳасанов,** область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қодиров,** совхозлар трестининг директори ўртоқ **Отажонов,** қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва унинг сифати бўйича давлат бош инспектори ўртоқ **Раҳимов,** район матлубот жамияти правлениесининг раиси ўртоқ **Туймаев**). Бу район август ойида давлатга ассортимент билан 1497 тонна ёки йиллик планнинг 111,5 процентига миқдорида сабзавот сотиб, давлатга сабзавот сотиш планини 136,2 процент, қовун-тарвуз сотиш планини 36,7 процент, картошка сотиш планини 29 процент, хўл мева сотиш планини 54 процент ва узум сотиш планини 75,9 процент бажарган. Қўчма Қизил байроқ Сурхондарё областининг Шеробод районидан олиб берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қўчма Қизил байроғи Тошкент область Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозга берилди, (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Абдуҳолиқов,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Абдуллаев,** бош агроном ўртоқ **Қурбонов**). Бу колхоз август ойида давлатга ассортимент билан 2265 тонна ёки йиллик планнинг 60,5 процентига миқдорида, сабзавот сотиш планини 105 процент, картошка сотиш планини 49,7 процент, хўл мева сотиш планини 134 процент қилиб бажарган. Қўчма Қизил байрок Тошкент область Калинин районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қўчма Қизил байроғи Наманган область Косонсой районидаги «Косонсой» совхозига берилди, (совхоз директори ўртоқ **Тошхўжаев,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Солиев,** бош агроном ўртоқ **Маҳмудов,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Тошхўжаев**). Бу совхоз август ойида давлатга ассортимент билан 3495 минг тонна ёки йиллик планнинг 69,9 процентига миқдорида сабзавот сотиб, сабзавот сотиш планини 104,6 процент, картошка сотиш планини 77,4 процент, хўл мева сотиш планини 116,2 процент қилиб бажарган. Қўчма Қизил байроқ Андижон область, Андижон районидаги Охунбобоев номли совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Қўчма Қизил байроғи Самарқанд область, Самарқанд районидаги «Овошчевиноградний» совхозига берилди, (директори ўртоқ **Саидназаров,** партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Исматов,** бош агрономи ўртоқ **Раҳмонов,** ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Пўлатов**). Бу совхоз август ойида давлатга 1542 тонна ёки йиллик планнинг 53 процентига миқдорида сабзавот топшириб, давлатга сабзавот сотиш планини 98,3 процент, картошка сотиш планини 81 процент, хўл мева сотиш планини 88,5 процент ва узум сотиш планини 8,4 процент бажарган. Қўчма Қизил байроқ Қашқадарё область Китоб районидаги «Китоб» совхозидан олиб берилади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

РЕСПУБЛИКАДА КУЗГИ ДОНЛИ ЭКИНЛАР ЭКИШНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика колхозлари ва совхозларининг меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини янада юксалтиришда муайян ютуқларга эришдилар.

Пахта ҳосилдорлигининг кўтарилиши ва ялпи пахта етиштириш кўпайиши билан бирга республикада кейинги йилларде дон етиштириш анча ўсди. Агар 1970 йилда бир миллион тоннадан камроқ дон олинган бўлса, ғоят қурғоқ келган бу йилги шароитда республика ғаллакорлари икки миллион тонна дон учун курашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги йўл-йўриқларини бажара бориб, суғориладиган ерлардан ғоят самарали фойдаланиш ҳисобига Бухоро областининг меҳнаткашлари, бошқа областларнинг кўпгина районлари ва хўжаликлари давлатга дон сотиш планларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Қашқадарё, Андижон ва Сурхондарё областларининг хўжаликларида маккажўхорини йиғиштириб олиш ва маккажўхори донини тайёрлаш юксак суръатлар билан бормоқда.

Дон хўжалигини юксалтирмасдан туриб чорвачиликнинг емхашак базасини мустаҳкамлаш ва чорвачиликни ривожлантириш вазифасини ҳал этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам республика ғаллакорлари дон хўжалигини янада юксалтиришга ғоят муҳим аҳамият бериб, 1975 йилда 2 миллион 200 минг тоннага қадар дон етиштиришни мўлжалламоқдалар.

Кўпгина ғаллакор колхозлар ва совхозлар ҳозирги вақтда кузги дон экишга юксак суръатлар билан тайёргарлик кўрмоқдалар.

Бу йил республикада ер ҳайдаш, уруғликларни ғамлаб қўйиш ва уни экишга тайёрлаш анча уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети шу билан бирга таъкидлайдиларки, айрим ғаллакор хўжаликлар бу муҳим ишда йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст кашлик қилмоқдалар.

Кузги дон экиладиган майдонларнинг бор-йўғи 21 процента ҳайдалган Сурхондарё областида бу иш айниқса ёмон бажарилмоқда. Ғамлаб қўйилган уруғлик фондидан 36 процентигина экиш кондицияси даражасига етказилган. Айни пайтда областдаги хўжаликларда мавжуд бўлган 69 та дон тозалайдиган машинадан фақат 22 таси ишлаяпти.

Қашқадарё, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент областларининг хўжаликларида ер ҳайдаш ва уруғликларни тайёрлаб қўйиш иши кўнгилдагидек эмас.

Ҳайдов агрегатларининг группа-группа бўлиб ишлашини ташкил этишга, бу агрегатлардан икки сменада фойдаланишга, ҳамда механизаторларга дала шийпоналарида зарур бўлган маданий-маиший шароитларни яратиб беришга тегишли эътибор берилмаётир.

Айрим колхозлар билан совхозлар ўтган йилги хатоларни такрорламоқдалар, ерни сифатсиз тайёрлаяптилар, ўғит солмасдан туриб ҳайдамоқдалар, экиш учун энг яхши муддатларни қўлдан бой бермоқдалар, экиладиган уруғлик нормасини камайтирмоқдалар ва кўпинча кондицияга етказилмаган уруғни экиб юбормоқдалар. Ана шуларнинг ҳаммаси бу йил бошоқли дон экинлари ҳосилининг пасайиб кетишига сабаб бўлди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети мана шу масала юзасидан қабул қилган қарорда область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари ва «Главсредазирсовхозстрой» зиммасига тупроқни, уруғликни тайёрлашдаги барча камчиликларни тугатиш учун сира кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни белгилаш ҳамда кузги бошоқли дон экинларини энг қулай муддатларда ва юксак агротехника даражасида экишни таъминлаш вазифасини юкладилар. Ана шу мақсадларда:

— асосан суғориладиган ва шартли суғориладиган ерлар ҳисобига дон экинлари ва кузги дон экинлари экиладиган майдонларни анча кенгайтириш кўзда тутилсин;

— ҳар бир ғаллакор район, хўжалик бўйича кузги дон экиш учун ерларни тайёрлаш кундалик топшириқлари шундай белгилансинки, бу иш ҳамма жойда 10-15 иш куни мобайнида тамомлансин;

— мавжуд барча ҳайдов агрегатлари ишга туширилсин, уларни икки сменада группа-группа бўлиб ишлаши ташкил этилсин ҳамда ҳар бир агрегат нормасининг тўла ва ортиғи билан бажарилиши таъминлансин;

— ғалла селкаларини ремонт қилиш ярим кунлар ичида тугалансин ва тахт қилиб қўйилсин, экиш агрегатлари ва экипажлари комплектлаштирилсин;

— уруғликни ўз вақтида тайёрлаб қўйиш тадбирлари белгилансин, дон тозалайдиган техниканинг кеча-кундуз ишлаши уюштирилсин ва уруғликни яхшилаб дорилашга алоҳида эътибор берилсин. Доннинг нуқул районлаштирилган ва кондицияга етказилган навли уруғи экилсин;

— ҳар бир районда, хўжаликда кузги дон экишга тайёргарликнинг бориши ва сифати ҳамда ўтказилиши устидан доимий назорат ўрнатилсин.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Совхозлар министрликлари, уларнинг жойлардаги органлари, партия ва совет ташкилотлари дон етиштириш юзасидан ҳамда ихтисослаштирилган уруғчилик совхозларини ташкил этиш юзасидан хўжалик ичидаги ишларни чуқурлаштиришни давом эттиришлари керак.

Колхозлар билан совхозларни ўзларида етиштирилган районлаштирилган уруғлик навлари билан таъминлаш ҳисобига, экинларни парваришлаш қилиш агротехника даражасини ҳар томонлама ошириш, суғориладиган ерларнинг катта имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан дон йиғиштириб олишга эришиш керак.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалик органларига, партия ташкилотлари ҳамда колхозлар билан совхозларнинг раҳбарларига кузги дон экиш учун тупроқни тайёрлашда ҳамда шудгорлашда тракторлардан ғоят унумли фойдаланиш борасида Волгоград области Калач районидаги «Волго-Дон» совхози механизаторларининг тажрибасидан кенг фойдаланиш топширилсин.

«Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари кузги дон экишни муваффақиятли ўтказиш учун тракторлар, ғалла селкалари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини тамомлаш ва тахт қилиб қўйишда колхозлар билан совхозларга ёрдам бериш борасида қўшимча тадбирларни кўришлари лозим.

Область, район партия комитетлари ва хўжаликларнинг партия ташкилотлари кузги дон экиш ишлари билан банд бўлган колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришлари, механизаторлар, бригадалар ва хўжаликлар ўртасида тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтирайлик, бунинг учун маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг барча шаклларидан фойдаланайлик, деган шиор остида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишлари керак.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ ЯНГИ КОМИТЕТИ

5 сентябрь куни Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг моддий-техника таъминоти соҳасида ҳамкорлик бўйича комитетининг биринчи мажлиси очилди. Мажлисни кенгаш секретари Н. В. Фадеев очди. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госснабининг Раиси В. Э. Димшиц мажлисининг раиси қилиб сайланди.

Комитет Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXVIII сессиясининг қарорига мувофиқ ташкил қилинди. Комитетнинг асосий вазифаси — моддий-техника таъминоти соҳасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кучайтиришдан иборат. Комитет Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларнинг шу соҳадаги ҳамкорлигининг энг муҳим проблемаларини кўп томонлама негизда комплекс қараб чиқишни таъминлайди.

БХР, ВХР, ГДР, Куба республикаси, МХР, ПХР, РСР, СССР, ЧССР делегациялари комитет тўғрисидаги низом лойиҳасини кўриб чиқдилар ва унинг 1974—1975 йиллар учун иш планини тасдиқладилар.

Комитет ишида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар моддий-техника таъминоти билан шуғулланувчи ҳукумат органларининг раҳбарлари иштирок этди.

(ТАСС).

Қўқон пойафзал фабрикасининг 1975 йил ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қилаётган илғор ишчиси Маҳбуба Қўшмоқова социалистик мусобақада ҳамкасблари ўртасида ҳамиша пешқадамлик қилялти. Суратда: М. Қўшмоқова.

А. Тўраев фотоси.

ИЛҒОР ТАЖРИБА — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

5 сентябрь куни Янгийўлда гўшт саноати ходимларининг Бутуниттифоқ семинари тугади. СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги гўшт саноати Бош бошқармасининг бошлиғи М. С. Алёхина ЎзТАГ мухбири О. Пановага қуйидагиларни маълум қилди:

— Биз семинарда озиқ-овқат хом ашёсидан комплекс фойдаланиш проблемасини кўриб чиқиб, озиқ-овқат саноати учун гўшт ресурслари ва оқсил хом ашёсини кўпайтириш йўлларини белгиладик. Бу эса маҳсулотнинг янги турларини яратиш, бу маҳсулотларнинг тўйимлилигини ва мазасини яхшилаш имконини беради.

Узбекистон саноати, деди М. С. Алёхина, бу соҳада муайян муваффақиятларга эришди. Республикада беш йиллик мобайнида колбаса маҳсулотларининг сортлилиги ошди, маҳсулотнинг бир қанча турлари давлат сифат белгисига сазовор бўлди. Саноат корхоналарида гўшт маҳсулотларининг ресурслари ортди, ғоят кўп талаб қилинаётган сосиска ва сарделкалар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Тошкент гўшт комбинати мамлакатда биринчи бўлиб бир қанча ташкилий-техникавий тадбирларни ўтказди — термоагрегатлар реконструкция қилинди, чорвани дастлабки қайта ишлаш яхшиланди, терини дам бериб шилиш усули жорий этилди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашёдан самарали фойдаланиш имконини берди. Эстония ва Литва корхоналарининг тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. Бу республикаларнинг корхоналари аҳолини хом тоғлар билан тўлиқ таъминлаб турибди. Биз семинарда бу тажрибани мамлакатнинг бошқа комбинатларига дадилроқ жорий этиш вазифасини ўртага қўйдик.

Бутуниттифоқ семинар қатнашчилари тавсиялар қабул қилдилар. Бу тавсияларда беш йилликнинг қолган даври мобайнида тармоқ ишини яхшилаш йўллари белгиланди.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

● АШХОБОД.

Туркманистон пахта тозалаш саноати корхоналарига янги пахта ҳосили топширила бошланди. Тажан заводи коллективи ингичка толали пахта навидан дастлабки тонна толаларни етказиб берди.

Ишлаб чиқариш мавсуми бошқа пахта тозалаш заводлари — Мари, Иолотан, Кўҳна Урганч заводларида ҳам бошланди.

Бу йилги мавсумда тармоқ корхоналари бир миллион тоннадан зиёдроқ пахтани қайта ишлаб бериши керак. Кўпчилик заводлар янги юқори унумли техника билан қуроллантирилган. Республика пахта тозалаш саноати корхоналари коллективлари ҳозир техникадан ғоят самарали фойдаланайлик, тола сифатини анча оширайлик деган шиор остида меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Туркманистон ССР қўйчилари қўйларнинг жунини қирқиб олишга киришдилар. Бу иш электр агрегатлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Мари области хўжаликларида 1 миллион бошдан ортиқроқ қўй жунини қирқиб олиш керак. Энг яхши жун қирқувчилар бир кунда 100-150 бош қўй жунини қирқиб олмоқдалар. Республикадаги совхозларнинг ҳаммаси ва Мари, Ашхобод, Қизиларвот ва бошқа бир қанча районлардаги йирик колхозлар жунни тайёрлов пунктларига эмас, бевосита Мари жун фабрикасига топширмоқдалар. Бу хом ашёни ташиш учун кетадиган харажатларни қисқартиради ва жуннинг саноат корхоналарига топширилишини тезлаштиради.

Бу йил Туркманистон қўйчилари давлатга 14,5 минг тонна жун сотиш мажбуриятини олишган.

● МИНСК.

Область деҳқонлари тезпишар картошка навини йиғиштириб олишга киришдилар. Картошкадан мўл ҳосил етиштирилди. Бир қанча районларда гектаридан 200 центнер ва ундан ҳам кўп картошка ҳосили олинмоқда. Хўжаликлар етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини комбайнлар ва механизмлар билан жамғармоқдалар.

Бу йил картошка ҳар қачонгидан юқори сифатлидир. 115 минг гектар майдоннинг ҳаммасига Белоруссия селекциячиларининг районлаштирилган навлари экилган. Экин майдонларининг ярмидан кўпида картошканинг «Темп», «Кандидат», «Белорусский крахмалистий», «Разваристий», «Огонек» навлари етиштирилди. Бу навлар серҳосиллиги билангина эмас, балки хуштамлиги, крахмалга бойлиги билан ҳам фарқ қилади. Картошка Минск, Москва, Ленинградга жўнатилмоқда.

[ТАСС мухбирлари].

ЛЕНИНГРАДЛИК ШОИРЛАР ТУҲФАСИ

Нева бўйидаги шаҳарда яшовчи таржимонлар миллий адабиётларнинг гуркираб ўсиши ва жаҳонга танилишига самарали ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг олижаноб меҳнати туфайли Украина ва Белоруссия, Закавказье ва Ўрта Осиё, Болтиқ бўйи республикалари ёзувчиларининг асарлари рус тилида ҳам янграй бошлади. Таржимонлар ҳозирги замон авторлари қатори классик шоирлар асарларини ҳам таржима қилиш устида баракали иш олиб бормоқдалар.

Максим Горький ташаббуси билан 30- йиллардан бошлаб нашр этилаётган «Шоир кутубхонаси» туркумида кейинги вақтда «Тожикистон шоирлари», «Туркманистон шоирлари» каби асарлар, Ҳамза ижодига бағишланган жилд нашр этилди. Шеърларнинг аксариятини Ленинград шоирлари таржима қилишган.

Яқинда ўзбек демократик адабиёти намояндаларидан Муқимий ва Фурқат ижодиётидан намуна сифатида тўплам нашр этилди. Асосий ғазалларни шарқшунос олим С. Иванов таржима қилган.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги муносабати билан «Советский писатель» нашриётининг Ленинград бўлими ўзбек шеърияти антологиясини, Алишер Навоийнинг ғазаллар тўпламини, алоҳида авторлар асарларини В. Рождественский, В. Шефернер, О. Шестинскийлар таржимасида нашр этмоқчи.

Р. СОБИТОВ.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан

ТОЛАМИЗНИНГ ТОЛЕИ

САНОАТИМИЗНИНГ ЮЗ ТАРМОҒИ

Республикамизнинг ярим асрлик тараққиётини, эришган муваффақиятларини ва юзага келган буюк социал ўзгаришларни унинг қудратли индустриясисиз тасаввур этиш қийин. «Саноатнинг юздан кўпроқ тармоқлари, шу жумладан машинасозлик, кончилик, металлургия, газ, нефть, кўмир қазиб чиқариш, химия, радиотехника, электроника, ип ғазлама ва шойи ғазламалар ишлаб чиқариш, бунинг устига яна олтин чиқариш сингари тармоқлар ҳозирги Узбекистоннинг индустриал қиёфасини кўрсатиб турибди», — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишлаб Тошкентда ўтказилган тантанали қўшма мажлисда сўзлаган нутқида. Кўп тармоқли индустриямизнинг катта тараққиёт йўлини, юксалишини батафсилроқ ёритиш мақсадида бугундан бошлаб газетамиз саҳифаларида Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига «Саноатимизнинг юз тармоғи» рубрикаси остида материаллар бериб борамиз. Дастлабки ҳикоя пахта тозалаш саноатининг юксалиши ҳақида.

●

Белоён мамлакатимиздаги тўқимачилик корхоналарининг кўпчилиги серқуёш республикамиз далаларида етиштирилган «оқ олтин», пахта тозалаш заводларимизда тайёрланаётган қумуш толалар билан ишлаётганидан фахрланамиз. Сифатли толаларимизни қардош республикалардан ташқари ўнлаб чет эл мамлакатлари ҳам севиб ҳарид қилишяпти. Пахта тозалаш саноати халқ хўжалигимизнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланган. Партия ва ҳукуматимиз ана шу тармоқни янада тараққий эттириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ҳамиша катта ғамхўрликлар кўрсатиб келаётганлиги бежиз эмас.

Қудратли пахта тозалаш саноатимизнинг ўзига хос тарихи бор. Улуғ Октябрь инқилобигача ҳам ўлкамизда пахта етиштирилган. Бойлар, катта ер эгалари омоч, кетмон, белкурак каби қуроллар ёрдамида оч, юпун меҳнаткашни ишлатиб, юз машаққатлар эвазига чигит экиб ҳосил оларди. Етиштирилган пахтанинг кўпчилик қисми чет эл саноатчиларига сотиб юборилар, қолгани эса қўл кучи билан чигитдан ажратилар, чархда йигирилиб бўз ёки қалами тўқиларди. Кейинчалик дурадгорлар томонидан чигитдан толалар ажратувчи чиғириқлар яратилди. Лекин бу чиғириқлар қўл билан айлантириб ҳаракатга келтирилар, шу таҳлитда ишлаб бир кунда зўрға олти-саккиз килограмм пахтадан тола ажратиб олинарди.

Совет ҳокимияти йилларида пахта тозалаш саноати қайта туғилди. Пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилиб, ҳосилдорлик йил сайин ортиб борди. Қўрик ва бўз ерлар ўзлаштириб, пахтазорларга айлантирилди. Доҳий В. И. Ленин ишлаб чиққан декрет асосида белоён Мирзачўлда пахта экиладиган бўлди. Бу ер «оқ олтин» хазинасига айлантирилди. Ўтган йили республикамиз меҳнаткашлари қариб беш миллион тонна пахта етиштирдилар. Бу жаҳон миқёсида рекорд кўрсаткичдир. Пахта тозалаш саноатимиз ҳам ана шунга яраша катта одимлар билан юксалиб ўсди. Агар гражданлар уруши йилларида бутун Туркистонда бор-йўғи элликтага етар-етмас пахта заводлари мавжуд бўлса, 1950 йилларга келиб, Узбекистонда 70 га яқин пахта заводлари ишлай бошлади. Корхоналарда 367 жин, 1035 линтер ва 140 пресслаш машиналари бор эди. Улуғ Ватан урушидан кейин республика заводларида бир мунча мукаммал пневматик сушилкалар қуришга киришилди. Бу, пахтадан тола ажратиш суръатини анча тезлаштирди ва осонлаштирди. Ака-ука конструктор Биковларнинг қуритиш барабанлари кенг жорий этилгач, республикамиздаги пахта тозалаш заводларининг меҳнат унумдорлиги беқиёс даражада ортди.

Олтмишинчи йилларда пахта тозалаш саноатида катта воқеа юз берди. Заводларда «ОВП» маркали янги хил тола тозаловчи ускуналар ўрнатилди. Ундан кейин 19 батареяли талай самарадор тола тозалаш ускуналари ихтиро этилди. Корхоналарни технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш маҳсулот сифатини ошириш имконини берди. Москва, Узбекистон, Учқўрғон, Бухоро, Манғит ва бошқа кўплаб заводларда тўқимачилик саноати учун сифатли толалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳозирги вақтда Узбекистон ССР пахта тозалаш саноати 90 дан зиёд йирик пахта тозалаш заводларини, 430 дан ортиқ қуритиш-тозалаш цехлари мавжуд бўлган тайёрлаш пунктларини бирлаштириб турибди. Корхоналар замонавий мукаммал, унумдорли ускуна ва механизмлар билан жиҳозланган. Кейинги йилларда 22 тадан зиёд янги пахта тозалаш заводлари барпо этилди. Қариб юзта пахта қуритиш-тозалаш заводлари қурилиб, ишга туширилди. 131 та цех реконструкция қилинди. 33 янги тозалаш цехлари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, пахтани қоп-қанорсиз ташиш жорий этилди. Бу — қўл меҳнатини енгиллаштириб қолмасдан давлатга 34 миллион сўмлик иқтисодий самара ҳам бермоқда. Шундай қилиб, биргина ўтган ўн йил ичида пахта тозалаш саноатининг ишлаб чиқариш қуввати 24 процентдан зиёд ўсди. Пахта Узбекистон ССРнинг асосий бойлигидир. Саккизинчи беш йилликда республикамизда 20 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин» тайёрланди ва тўқимачилик саноати учун 7 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилди.

КПСС XXIV съезди Директиваларида енгил саноатни, шу жумладан пахта тозалаш саноатини янада тараққий эттиришга тааллуқли катта вазифалар белгиланди. Саноатимизнинг бу тармоғини ривожлантириш мақсадлари учун 8,7 миллион сўм маблағ ажратилди. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида Узбекистон ССРда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 46-49 процент ортади. Беш йиллик охиригача 25 та пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилади. Биринчи навбатда ўзлаштирилаётган жойларда ва янги пахтачилик хўжаликларида — Жиззах, Мирзачўл, Қарши даштида ва бошқа районларда янги қуваватларни тезроқ ишга туширишга катта аҳамиятга эга. Фарғона водийсида ва Қорақалпоғистонда 7 та пахта тозалаш заводлари реконструкциядан чиқарилади ва 42 заводда тозалаш цехлари бунёд этилади.

Узбекистон толасининг келажаги порлоқ, толеи баланд. 1980 йилгача республикамизда тағин 108 та йирик пахта тозалаш заводлари ишга туширилади, 84 та тайёрлаш пункти реконструкция қилинади. Экспортда катта қадамлар қўйилади. Ҳозир социалистик давлатлар қатори ГФР, Франция, Англия, Япония, Финляндия, Италия сингари 20 дан ортиқ мамлакат ўзбек толасини харид қилмоқда. Буюртмалар йил сайин ошиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси толамиз қадрининг жаҳон бозорида нақадар ошиб бораётганидан далолатдир. Янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига олий сифатли тола тайёрлаш келгусида 90 процентгача ортади.

Ҳ. МУМИНОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти саноат ишлаб чиқариши технологияси кафедрасининг доценти, техника фанлари кандидати.

Жиззах области ҳафталиги

ҒАЛЛАЧИЛИК ДОРИЛФУНУНИ

Узбекистон Қишлоқ хўжалиги министрлигининг Лалмикор деҳқончилик илмий-текшириш институти — Жиззах воҳаси ғаллачилигининг чинакам илмий маркази ҳисобланади. У бу йил ўзининг 61-баҳорини кузатди. Бу ерда баҳорикор ерлардан рационал фойдаланишнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал этиш, унинг унумдорлигини ошириш йўллари ўрганиш, алмашлаб экиш, ғаллачилик, полиз ва озуқабоп экинларнинг селекция ва уруғчилиги билан кенг шуғулланилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий текшириш ишларини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қаридан сўнг бу ерда 1970 йилдан бошлаб ғаллачилик ва дуккакли экинлар селекцияси билан шуғулланиладиган, 1971 йилдан сўнг эса полиз ва озуқабоп экинларнинг сермаҳсул сортларини яратиш билан шуғулланадиган Ўрта Осиё марказ ташкил этилди. Ҳозир институтнинг биргина деҳқончилик бўлимида 7, селекция бўлимида 10 лаборатория мавжуд. Шунингдек иккита лабораторияга эга бўлган ем-ҳашак етиштириш бўлими, музей ва бой китоб фондига эга бўлган илмий-техника ахбороти бўлими ҳамда Каттақўрғон, Ғубдун, Ҳамаши, Бахмал, Тоза уруғ ва бошқа таянч пунктлари бор.

Кейинги йилларда деҳқончилик масалалари бўйича олимлар томонидан ишлаб чиқилган жуда кўп тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Жумладан, дон экинларининг баҳорикор ва суғориладиган ерлардаги агротехникаси бўйича экишнинг оптимал муддатлари, экиш нормаси, қаттиқ бўғдой агротехникаси, алмашлаб экишнинг турли схемалари, тоза шудгорлаш муддатлари, ўғитдан рационал фойдаланишнинг баъзи масалалари, дон экинларини баҳорда озиқлантириш, ҳимоя ўрмон полосаларини ўтказиш тадбирлари яхши натижа бермоқда. Тупроқнинг сув ва шамол таъсиридаги эрозиясига қарши кураш чоралари ўрганилди. Сўнгги ўн йил мобайнида деҳқончилик сохасидаги 34 тадбирни ишлаб чиқиш тугалланди. Бу тадбирлар республикамизнинг ғаллакор хўжаликларида муваффақият билан қўлланилмоқда.

Институт селекционерлари ҳам кейинги пайтларда катта муваффақиятларга эришдилар. Давлат комиссияси синовидан ўтган донли экинлар қаторига бўғдойнинг «Қизил Шарқ», «Қайроқи Олтин бўғдой», «Леукорм-2», юмшоқ «Узбекистон-214», арпанинг «Унумли арпа», Қарши, Бахмал, «Нутанс-310» навлари, беданинг «Милютинский-1774», озуқабоп тарвузнинг «Богарний-112», истеъмолбоп тарвузнинг «Спутник», озуқабоп нўхотнинг «Восток-55» навлари қўшилди. Сўнгги йилларда ҳаммаси бўлиб қишлоқ хўжалик экинларининг 23 янги нави ишлаб чиқилди. Институтнинг сорт селекцияси етиштирган уруғларидан ҳозирги вақтда 1,5 миллион гектар ерга экиб келинмоқда. Биргина «Унумли арпа» нави Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон республикалари билан қўшиб ҳисобланганда 800 минг гектар ерга экилаётир.

Ҳозир институтимизда 70 дан ортиқ илмий ходим ишламоқда. Улар орасида 30 фан кандидати 2 фан доктори бор. Институт олимлари навқирон Жиззах области базасида мавжуд бўлган салкам 300 минг гектарлик баҳорикор ерлардан унумли фойдаланиш йўлларини изламоқдалар. Бизнинг ҳисобларга кўра, келаси йилиёқ мавжуд 35 минг гектар қўрик ернинг 15 минг гектари ўзлаштирилиши керак. Шу муносабат билан институт коллективи олдига элита ва биринчи репродукцияли уруғликлар етиштириш юзасидан қўйилаётган талаб янада ортади. Шу сабабли бу иш билан шуғулланиб келаётган 1-«Ғаллаорол», К. Маркс номли экспериментал хўжаликлар ҳамда марказий экспериментал базада агротехниканинг юксак тадбирлари қўлланиб, йил сайин юқори ва сифатли ҳосил етиштирилмоқда. Сўнгги 12 йил ичида шу хўжаликларда етиштирилган 134 минг тонна сифатли уруғликнинг 80 минг тоннаси республика колхоз ва совхозларига сотилди. Шу сабабли институтнинг экспериментал хўжаликлари йилига 2,5-3 миллион сўмлаб соф фойда олмоқда.

Кейинги пайтларда селекция, озуқабоп ва бошоқли экинлар агротехникаси бўйича жуда кўп таклифлар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Биргина ўтган йили баҳорикор деҳқончилик бўйича 300 га яқин турли лекциялар ўқилди. Ўнлаб катта илмий ишлар, монография ва илмий-текшириш якунлари матбуотда босилди. Институт ҳисобидаги илмий ишлар сони 700 дан ошиб кетди. Илмий ходимларимиз йилнёқ 20 дан ортиқ чет мамлакатлари билан уруғ ва адабиётлар алмашиш, амалий ёрдамлашиш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

Ғаллакор хўжаликларидаги мутахассислар малакасини ошириш, фан янгиликларини оммалаштириш мақсадида институт ҳар йили курс ва семинарлар ташкил этиб келмоқда. Бу семинар ва курсларда сўнгги беш йил ичида 2,5 мингдан ортиқ бригадир, агроном ҳамда ғалла тозалаш механизмларининг механизаторлари иштирок этдилар. Институтимиз Бутуниттифоқ ва республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг доимий қатнашчиси ҳисобланади.

Жиззах области баҳорикор ерларга бойлиги жиҳатидан республикада етакчи ўринда туради. Областда келаси йилиёқ ғалла етиштириш 350 минг тоннага етказилиши керак. Жиззах области ва Мирзачўл зонасидаги районларда ғалла экиладиган ерларни янада кенгайтириш имкониятлари бор. Лекин чўл ва қўриқларнинг ўзлаштирилиши баҳорикор ерлар ҳажмининг тоғолди районлари ҳисобига тўлдираборишни тақозо этади. Шунинг учун биз денгиз сатҳидан 1800-2000 метр баландликда жойлашган Бахмал районида янги таянч пункти ташкил этдик. Шу зонага мос экинлар агротехникаси, тупроқ ва сув эрозиясига қарши кураш чоралари ҳамда дон ва хашаки экинлар селекцияси юзасидан илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Фан ютуқларининг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлиги самарали натижалар бериши табиийдир.

Ғ. ОТАБОЕВ,
иқтисод фанлари кандидати, Ғаллаороздаги лалмикор-деҳқончилик илмий-текшириш институтининг директори.

АРМУҒОН

Тажрибадан маълумки, яхши ҳосил ундиролмаган деҳқон кўпинча ердан нолийди. Бу тўғри эмас. Аслида ёмон ер йўқ. Бироқ ношуд деҳқон бўлиши мумкин. Бундан етти-саккиз йил муқаддам бригадамизнинг ҳозирги экин майдони икки қўшни хўжалик ўртасидаги бўм-бўш қўриқ эди. Ўшанда бизнинг «Октябрь» колхозимиз билан Боёвут районидаги «Ленинизм» колхози ўртасидаги бир неча юз гектарга ястанган бу ер сансолар эди. Киров канали ёқасидаги бу каттагина майдонни ҳар икки колхоз ҳам қишлоқ хўжалик оборотига киритишга шошилмасди. Сабаби, ернинг канал ёқасида деҳқончилик учун ноқулай жойлашгани-ю ва йўлнинг бирмунча узоқлиги эди.

Ўша йиллари мен «Октябрь» колхозининг юқори ҳосилли 5-бригадасига етакчилик қилардим. Ҳосилдорликни 20 центдан 38 центнерга кўтардик. Яқин вақтда 40 центнерлик маррани эгаллаш режасини тузгандик. Бироқ... колхоз правленеси канал бўйидаги ўша «ташландиқ» ерни таклиф қилиб қолди. Бригада аъзолари билан кенгашдик. Белни маҳкам боғлашга қарор қилдик.

Мана ўшанга ҳам ўн йилдан ошиқроқ вақт ўтиб қолибди. Канал соҳилидаги қўриқдан йилига 20-30 гектардан ер қиртишлаб деҳқончилик оборотига кирита бошладик. Ҳадемай экин майдонимиз 270 гектарга етди. Шундан 190 гектар майдонда ғўза ўстиряпмиз. 60 гектар майдонда беда, 30 гектар майдонда сабзавот етиштирилмоқда.

190 гектар майдонда пахта етиштираётган бригадамиз аъзолари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли ярим асрлик юбилейи шарафига бу йил пландаги 448 тонна ўрнига 610 тонна «оқ олтин» армуғон қилиш мажбуриятини олганлар. Юксак социалистик мажбурият зиммамизга масъул ва шарафли вазифаларни юклайди. Бригада сувчиси 72 ёшли Байрам ота Сафаровнинг меҳнатлари айниқса таҳсинга лойиқ. Байрам ота узоқ йиллардан буён бригада аъзолари билан ёнма-ён меҳнат қилиб келмоқда. Билол Дарвешова, Гунаш Азизова, Атҳа Султонова, Сўна Усмонова, Жўрабой Маҳкамов ва бошқа ўнлаб ёш пахтакорлар тажрибали деҳқон Байрам ота Сафаровнинг шогирди бўлганликлари билан фахрланадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1974 йил пахта ҳосилини тез ва соз йиғиб-териб олиш тадбирлари ҳақидаги илҳомбахш қарори бригадамиз аъзоларини янги зафарларга чорлади. Бригада механизаторлари Акрам Мамажонов ва Мамбет Чалғўзовлар ўзларига бириктилган «зангори кема»ларни шайлаб, терим майдонларининг уватларига келтириб қўйдилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 200-250 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилди.

Колхозимизда пахта ҳосилининг асосий қисми машиналарда йиғиб-териб олинади. Шу туфайли бизда ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришга алоҳида аҳамият берилди. Ансор Оғалиев, Жаббор Оғалиев, Иброҳим Қаюмов, Ортиқбой Ҳазраткулов, Туроткул Очилов, Ғайбулла Бердиев ва бошқа ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда 80-85 процент ҳосил машиналар зиммасига юклатилган.

Республика партия ва ҳукуматининг илҳомбахш қарори муносабати билан колхозимизда пахта йиғим-теримининг қатъий ва конкрет графигини тузиб чиқдик. Шу графикка асосан республиканинг олтин юбилейи кунига қадар она-Ватан олдидаги шарафли бурчимизни адо этиб, бригадамиз бўйича давлатга 610 тонна пахта етказиб берамиз. Колхозимиз бўйича 7000 тонна дурдона армуғон этилади. Бу юксак марраларни албатта забт этамиз.

Ғани МАҲМУДОВ,

Сирдарё область. Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАР»

Газетамизнинг шу йил 16 август сонида юқоридаги сарлавҳа билан танқидий мақола босилиб чиққан эди. Унда Кумушкон дам олиш уйида жой танқислиги, овқатларнинг сифатсизлиги, бунинг устига баъзи бир ходимларнинг қўпол муомалалиги ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги камчиликлар очиб ташланганди.

Ўзбекистон ССР Курортлар бошқармаси республика советидан олинган жавобда таъкидланишича, мақола коллегия мажлиси ва дам олиш уйи коллективи умумий йиғилишида кенг муҳокама қилинган ҳамда йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган. Дам олувчилар билан қўпол муомалада бўлганлиги учун регистратор С. Абибуллаева вазифасидан четлатилган. Дам олиш уйи директори Қ. Султоновга хизмат кўрсатишдаги тартибсизликлар ва бошқа камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилмаганлиги алоҳида уқтириб ўтилган.

Жавобда Кумушкон дам олиш уйи фаолияти устидан назорат кучайтирилганлиги ҳам хабар қилинади.

НАЙРАНГБОЗЛАР ЖАЗОСИ

«Уй сотилади...» сарлавҳали фельетон («Совет Ўзбекистони», 28 июль 1974 йил)да турли ҳийла-найранглар ишлатиб, янги уй ишқибозларидан 26 минг 800 сўм йиғиб олган М. Раҳмонхўжаева ва унинг ҳамтовоқлари кирдикорлари фош қилинганди.

Тошкент шаҳар халқ судидан келган жавобда шу нарса маълум қилинадики — бош жиноятчи М. Раҳмонхўжаева 12 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ва мол-мулки давлат ҳисобига ўтказилган. Унинг ногорасига ўйнаган нўйбўямачи, найрангбозлар ҳам турли муддатлар билан жазоланган.



СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Шўрчи районидаги «Узбекистон» совхози механизаторлари машина теримини қизғин бошлаб юбордилар. Совхоз далаларида 24 терим агрегати равон сузмоқда. Суратда: совхознинг 1. бўлими далаларида «зангори кема» капитанлари пахта теримида.

А. Тўраев фотоси.

ЁШЛАР, СИЗНИ ҲАЁТ ЧОРЛАЙДИ

ҲАМКОРЛИКДА — ҲИКМАТ КЎП

Ҳунар-техника билим юртлари педагогик коллективлари партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, партия ва совет органларининг бевосита раҳбарлиги остида ҳунар-техника таълими системасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида бирмунча ишларни бажардилар. Жумладан, областда саккизта билим юрти ўрта ҳунар-техника билим юртига айлантирилди. Беш йилликнинг охирида ҳунар-техника билим юртларидаги тармоқларини 28 тага етказиш, халқ хўжалиги учун қарийб 35 минг малакали ёш ишчини тайёрлаб етиштириш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда областда 21 та ҳунар-техника билим юрти бор. Уларда 10 мингдан ортиқ ўқувчи 50 дан ортиқ ихтисослик бўйича таълим олмоқда. Шу беш йилликнинг уч йили мобайнида ҳунар-техника билим юртларида 17 минг малакали ишчи тайёрланди. Шундан 7 мингга яқини қишлоқ хўжалигига йўлланма олди.

Бугунги кунда биз ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб чиққан собиқ ўқувчилардан — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIV съезди делегати Обид Нурматов, локомотив депоси машинисти В. Г. Чиков, Қува районидаги «Коммунизм» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи Мадамин Саидов, Сандаҳмад Ҳайдаров ва бошқаларнинг номини фахр-ифтиҳор билан тилга оламиз.

Фарғона областида ҳунар-техника таълимининг роли ва обрўэтибори йилдан-йилга ортиб бораётганлигини етишиб чиқаётган малакали ишчи кадрлар сонининг кўпаяётганлигида ҳам кўриш мумкин. Бу йилги планда ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш ўтган йилларга нисбатан бир неча баробар кўпдир.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисида қонун Асосларида, Ўзбекистон ССР Олий Советининг халқ маорифи тўғрисидаги Қонунида таъкидлаб ўтилганидек, ҳунар-техника ўқув юртлари ёшларга ҳунар-техника таълими беруви ва ишчилар синфининг сафларини тўлдирадиган муносиб ўринбосарлар тайёрлаб берувчи асосий мактабдир.

Ҳозирги вақтда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини, маҳсулот ишлаб чиқариш нормаларини бажариш усулларини қунт билан ўрганиб бормоқдалар. Уларга корхоналарда катта ҳаёт тажрибасини ўтаган кишилар яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ўрта ҳунар-техника билим юртларимизда ўқитишнинг техника воситаларидан ташқари комплекс ўқитишнинг энг прогрессив усулларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Халқ хўжалиги тармоқлари учун юқори малакали ёш ишчиларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун областда етарли даражада ўқув-моддий база яратилган. Билим даргоҳларида ўқувчиларга пухта назарий ва ишлаб чиқариш таълими бериш ва уни ташкил этиш учун 192 та ўқув кабинети ва лаборатория, 64 та ўқув ишлаб чиқариш устахонаси ва майдончаси ишлаб турибди.

Кейинги йилларда областдаги ҳунар-техника билим юртларининг ходимлари ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг сифатини ошириш борасида бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Ўтган йилги ўқув-тарбиявий ишлар якунлари шуни кўрсатадики, педагогик коллективлар ўқувчиларни илм олиш ва ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишини оширишда турли усуллардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар, магнитафон ёзувлари, программали ўқитиш ва бошқаларни кенг қўлланмоқдалар.

Билим юртларининг умумтаълим, профессионал ва тарбиявий фаолиятидаги ютуқлар, энг аввало, ишлаб чиқариш таълими усталарининг, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маҳоратига боғлиқдир. Бугунги кунда область ҳунар-техника билим юртларида 620 дан зиёд инженер-педагогик кадрлар ишлаб турибди. Шулардан 360 дан ортиғи ишлаб чиқариш таълими устаси, қолганлари эса ўқитувчи ва тарбиячилардир. Уларнинг аксарияти самарали хизмати учун ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланганлар.

Ҳозирги кунда область ҳунар-техника билим юртлари ходимлари ва ўқувчилари яқинлашиб келаётган қутлуғ сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзаро мусобақани қизитиб юборганлар. Бу мусобақа «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, маҳорати ва изланиши — беш йилликка» шиори остида ўтмоқда. Бу борада 1-техника билим юрти, 27-шаҳар ўрта ҳунар-техника ва 6-қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари қувончли натижаларга эришмоқдалар. Билим юртларининг ўзида ўқув ишлаб чиқариш группалари «Коммунистик меҳнат бригадаси резерв группаси» унвонини олиш учун ҳаракат авж олмоқда.

Билим юртларида ўқувчиларнинг касб-ҳунар ўрганиш даражасини аниқлаш мақсадида турли ихтисосликлар бўйича конкурслар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Ўтган йили механизаторлик касби бўйича бўлиб ўтган область конкурсида биринчи ўринни 6-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти, иккинчи ва учинчи ўринларни эса 5 ва 31-қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари эгаллади. Шахсий ҳисобда биринчи ва иккинчи ўринларни 6-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиларидан М. Низомов ва С. Сиддиқовлар олдилар.

Ўқувчиларда коммунистик дунёқарашнинг шаклланишида, уларнинг умумий таълим ва махсус фанлардан олган билимларининг янада чуқурлашишида техника воситалари ва тўгараклар катта роль ўйнамоқда. Техника ижодкорлиги тўгараклари қарийб барча билим юртларида ташкил этилган. Оталиқ ташкилотлар билим юртларини зарур материаллар билан таъминламоқда. Масалан, Фарғона механика заводи 1-техника билим юртига, Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бўлими 27-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртига, Фарғона химия толаси заводи 36-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртига амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Барча билим юртларида адабиёт, физика, математика, тарих, чет тили, география, астрономия каби фанлар бўйича тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Улардан ташқари ихтисосликлар бўйича ўтказилаётган конкурслар, техника конференциялари, олимпиадалар, рационализаторлик ва ихтирочилик бўйича мусобақаларни ташкил этиш ҳам ёшларда ўз касбига меҳр-муҳаббат уйготишда катта роль ўйнамоқда.

Бугунги кунда мактаб билан ҳунар-техника билим юртлари ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бу борада конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Чунки баъзи ўқувчилар ўрта мактабни тугатганларидан сўнг ҳунар-техника билим юртларига кириб таҳсил кўришни, уларда касб-ҳунар орттиришни чуқур тушуниб етмайдилар. Бу ишда ота-оналар, партия ва совет ходимлари, оталиқ ташкилотлар бизга яқиндан ёрдам кўрсатсалар айни муддао бўлар эди. Ҳамкорликда ҳикмат кўп дейишадиг. Қаерда халқ морифи билан ҳунар-техника таълими системаси ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилар экан, у ерда ҳамкорликнинг қувончли натижаларини кўриш мумкин.

Б. ФАРМОНОВ,

Фарғона область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи.

М. МУРОДОВ,

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг инспектори.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ШРИ ЛАНКА ЖАМОАТЧИЛИГИ БИЛАН УЧРАШУВ

КОЛОМБО, 5 сентябрь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг делегацияси Шри Ланка Республикасининг пойтахтида меҳмон бўлиб турибди. Комитет раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов делегацияга бошчилик қилмоқда. Совет делегациясининг аъзолари Миллий давлат ассамблеясининг раҳбарлари билан, ҳукумат министрлари Б. Маҳмуд ва Т. Б. Суба Сингхе билан учрашдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Шри Ланка уюшмаси ташкил этган митингда уюшма раиси, ташқи ва ички савдо министри Т. Б. Иллангарадне Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни самимий табриклади. У икки мамлакатни боғловчи дўстлик алоқалари йилдан-йилга ўсиб борувчи техникавий-иқтисодий ҳамкорликда, илмий ва маданий алоқаларни кенгайтиришда акс этмоқда, деди.

Т. А. Саримсоқов жавоб нутқи сўзлади.

ЮКСАК БАҲО

ХАРТУМ, 5 сентябрь. (ТАСС). Судан дин ва вақф ишлари олий кенгашининг раиси Овн аш-Шариф ТАСС мухбири билан суҳбатда, имом ал-Бухорий туғилган куннинг 1200 йиллик юбилейини Самарқандда байрам қилиниши муҳим воқеа бўлди ва катта сиёсий аҳамияти бор, деди.

Тантаналарда Судан делегациясига бошчилик қилган О. аш-Шариф Самарқанддаги тантаналар чоғида ва мамлакат бўйлаб қилинган сафарда жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг вакиллари совет мусулмонларининг ҳаёти билан танишиши, Совет Иттифоқида дин эркинлигига тўла қаноат ҳосил қилиш имкониятига эга бўлдилар, деди. Мусулмонларнинг Самарқанддаги учрашувлари турли мамлакат вакилларининг бир-бирларини ва совет кишиларини яқиндан билишига ёрдам берди. Бу эса шу мамлакатлар билан СССР ўртасида ҳамжиҳатликни ривожлантиришга ёрдам беради.

О. аш-Шариф Самарқанддан ташқари Бухоро ва Тошкентга ҳам сафар қилиб, Ўрта Осиё республикаларининг экономика ва маданият соҳасида каттакатта муваффақиятларга эришганликларини, бу республикаларнинг социал турмуш борасида эришган ютуқларини таъкидлади. У меҳмондўстлик учун, «дўстона ва самарали учрашувлар ҳамда юбилей тантаналари жуда яхши ташкил этилганлиги» учун юбилейни уюштирувчиларга ва Совет ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилди. Меҳмондўстлик ва тантаналар «кўнгилдагидан зиёда» бўлди. Имом ал-Бухорийни хотирлаш ҳафталиги яқин фурсатда Суданда ҳам ўтказилади, деди у.

СЕССИЯ ЁПИЛДИ

ҚОҲИРА. 5 сентябрь. (ТАСС). Араб мамлакатлари иттифоқи кенгашининг 62-сессияси бу ерда ўз ишини тамомлади. Сессия қатнашчилари сессиянинг иши чоғида тузилган турли комитетлар ишлаб чиққан тавсияларни тасдиқладилар. Бу тавсиялар араблар дунёсидаги аҳволга, Фаластинни озод этиш ташкилотининг Фаластин масаласини БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажак сессияси кун тартибига алоҳида банд сифатида муҳокамага қўйиш кераклиги тўғрисидаги илтимосига, араб мамлакатлари билан Африка мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга тааллуқлидир.

Сессия араб давлатлари бошлиқларининг навбатдаги кенгаши чақириладиган кунни тасдиқлади. Бу кенгашни шу йил 28 октябрда Работ шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари элчихона даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор қилдилар, дейилади бугун АДН агентлигининг бу ерда эълон қилган хабарида. Мазкур хабарда, жумладан, ана шундай қарорга келинмасдан олдин Вашингтонда шу йил 15 июлдан 26 июлгача ГДР билан АҚШ ўртасида музокаралар олиб борилганлиги уқтириб ўтилади.

ГДР Давлат Кенгашининг Раиси В. Штоф Р. Зиберни ГДРнинг АҚШдаги фавқулодда ва мухтор элчиси қилиб тайинлади.

ЧИЛИ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

Ҳарбий хунта чилилик ватанпарварларга қарши ўтказаётган террор ва оммавий репрессиялар бутун совет халқининг қаҳр-газабини қўзғатмоқда.

Чили халқи билан бирдамлик халқаро ҳафталиги доирасида Москва ва Ленинградда, иттифоқдош республикалар ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, бошқа кўпгина шаҳарларда йиғилишлар ва митингилар бўлиб ўтмоқда. Чили халқининг фашизмга қарши одилона курашига бағишланган фотовиставкалар ва лекциялар уюштирилмоқда. Шу тадбирларда миллион-миллион совет кишилари актив қатнашмоқдалар.

Совет Иттифоқида Чили халқи билан бирдамлик ҳафталиги бошланиши муносабати билан 4 сентябрь куни Москвадаги кемасозлик ва кема ремонт қилиш заводида митинг бўлиб ўтди. «СССР — Чили» жамиятининг коллектив аъзоси бўлган ана шу корхонанинг сўзга чиққан ишчи ва хизматчилари Чилида фашистлар терроррига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

Электр пайвандчи В. Е. Гаврилин айтдики, бу мамлакатнинг халқи ўзининг бутун тарихида энг қийин дамларни кечирмоқда. Лекин ҳарбий хунта Чили ишчилар синфини қамоқ ва отишлар билан чўчита олмайди. В. Е. Гаврилин Чили коммунистларининг раҳбари Луис Корвалан, барча сиёсий маҳбуслар дарҳол озод этилишини талаб қилди.

«СССР — Чили» жамиятининг вице-президенти, СССР Фанлар академиясининг Латин Америкаси институтининг катта илмий ходими Ю. А. Зубринский Чили халқининг тарихи, унинг революцион анъаналари тўғрисида йиғилиш аҳлига гапириб берди. Халқ бирлиги ҳукумати даврида эришилган демократик ва социал ғалабаларни тиклаш ҳеч кечиктириб бўлмайдиган заруратдир, деди у. Биз совет кишилари чилилик ватанпарварларнинг хунта режимига қарши, демократия тантанаси учун бўлаётган ҳаракатини қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Чили Компартияси Марказий Комитети сиёсий комиссиясининг аъзоси Мануэль Кантеро ҳам йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади. У фашизм Чили халқининг революцион кучларини тамомила синдириб ташлашга муваффақ бўла олмади, деб таъкидлади. Ҳозир Чилида антифашист фронт барпо этишда коммунистлардан ташқари Халқ бирлиги блокига кирувчи бошқа партиялар ҳам қатнашмоқдалар. М. Кантеро Чили халқи билан бирдамлик ҳаракатини актив қўллаб-қувватлаётганликлари учун КПССга, Совет давлатига, совет халқига қизғин миннатдорчилик билдирди.

Митингда қабул қилинган резолюцияда Чили ҳарбий хунтасининг жиноий ҳаракатлари қатъий қораланди. (ТАСС).

БОЛГАРИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 30 ИЙЛЛИГИГА

ДЎСТЛАР ҲИММАТИ

Совет ва болгар халқларининг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигининг ёрқин намунаси сифатида болгар қурувчиларининг Ўзбекистондаги меҳнатини келтириш мумкин. Болгар қурувчилар группаси коллективи 1970 йилнинг октябрь ойидаёқ «Бухарагазпромстрой» трестида иш бошлашган эди. Улар шу даврнинг ичида 15 миллион сўмлик ҳажмдаги қурилиш ишларини бажаришди. Болгариялик дўстларимиз магазинлар ва уй-жой бинолари, ошхона ва клублар, болалар боғчалари ва касалхоналар, 104 ўринлик мактаб, Коровулбозордаги насос станциясини, Бухоро шаҳрида кинотеатр ва бошқа объектларини қуриб бердилар.

Бу йил Болгариялик қурувчилар 4 миллион 150 минг сўмни ўзлаштиришлари керак. Дўстларимиз ўз миллий байрамлари — Озодлик кунини катта муваффақиятлар билан нишонламоқдалар. Улар ярим йиллик планни 111 процентга, мукобил планни эса 107 процентга адо этдилар. Бу йил болгариялик қурувчилар 152 квартирали 4 та уйни қуриб битказишди, 2 сентябрда газ саноати техникумининг ўқув корпусини фойдаланишга топширишди, йилнинг охирида эса техникум ётоқхонаси тахт бўлади. Бухоронинг техника уйи, болалар боғчаси, «Бухарагазпромстрой» трести саноат базаси, шаҳарнинг 4-микрорайони сингари объектларда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Болгариялик қурувчилар коллективи СССРда ишлаётган ватандошлари орасида бир неча бор шарафли ўринни эгаллашди. Социалистик мусобақада ғолиб чиққанликлари учун кўчма Қизил байроқни қўлга киритишди.

Қурувчилар куни арафасида кўпгина болгариялик қурувчилар Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва область комсомол комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Н. Злобин усулида ишлаётган комплекс бригада раҳбари Ненко Димитровга Халқлар дўстлиги ордени топширилди. Август ойида унинг бригадаси планни 138 процент қилиб бажарди.

— Мана, бир неча йилдирки, мен дўстларим билан қадимий Бухорода меҳнат қиляпман, — дейди Ненко Димитров.—Биз аҳоли учун уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қуряпмиз. Совет қурувчилари билан елкама-елка туриб ишлаяпмиз. Ишни иложи борича яхшироқ бажаришга ҳаракат қиляпмиз. Коммунистик қурилишнинг улкан планларини бажаришда қатнашаётганимиздан беҳад хурсандмиз.

Газ саноати техникуми қурилишида ишлаётган Стефан Ивановнинг комплекс ёшлар бригадаси айниқса жонбозлик кўрсатмоқда. Бу бригада зилзиладан зарар кўрган Тошкентни тиклашда ҳам қатнашган эди. Улар Тошкентда қурган мактабга болгар халқининг буюк фарзанди Георгий Димитров номи берилди.

Болгариялик қурувчилар ҳаёти қувноқ ва хушчақчақ ўтмоқда. Улар яхши ишлашни ҳам, яхши дам олишни ҳам билишади. Ишлаш билан бир қаторда ўқишни ҳам давом эттиришяпти. Уларнинг «Орфей» эстрада ансамбли ҳамда ашула ва рақс ансамбллари меҳнатдан сўнг яхши хордиқ чиқаришга ёрдам бермоқда. Бу ансамбллар программасидан Болгария ва СССР халқларининг ашула ва рақслари кенг ўрин олган. Уларнинг Бухоро, Навоий, Когон, Газлида, Аму— Бухоро канали қурувчилари, Ромитан ва бошқа районлар пахтакорлари ҳузурида берган концертлари катта олқишлар билан кутиб олинди. Бригаликда ўтказилаётган спорт мусобақалари халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Б. РЯЗАНЦЕВ.

Суратларда: «Бухарагазпромстрой» трести қурувчиларининг илғор отрядларидан бири — болгариялик монтажчилар бригадасининг бошлиғи Петр Петров (ўнгда) ҳамда ашула ва рақс ансамблининг рақкоса қизлари саҳнада.

Автор фотолари.

БУЮК МУНАЖЖИМ МЕРИДИАНИ

ЁН ДАФТАР БИЛАН САФАРДА

Бунақанги иссиқда Китобга бориш унча хуш келмайди, лекин нима ҳам қила оласиз— қуёш қиздиргандан-қиздириб бормоқда, унинг яқин кунларда тафти тушишини кутиш амри-маҳол. Нима бўлганда ҳам ер қутбларининг силжиши қизатиладиган жойга жўнаб кетиш керак эди.

Темурийлар қўйилган Гўри Мир мақбарасининг соя-салқини кеч-қурунданоқ бизни йўлга отлантирди. Бу ерга номи астрономия тарихига Джордано Бруно ва Коперник билан баравар кирган, илм-фан ҳаҳматкаши, боши танасидан жудо қилинган киши дафн этилганига беш юз йилдан ошади. Лекин мусулмон жаҳолатпарастлари илм даҳосини сағананинг оғир қопқоғи остига бекитолмадилар. «Шарқ билан Ғарбнинг даҳшати» қўйилган нефрит сағана ёнида ётувчи кўпни кўрган унсиз мармар тахта бу ерга қирувчи ҳамма кишиларга: Темурнинг набираси Улуғбекнинг шуҳрати бобосининг шуҳратидан ўзиб кетди, дегандек бўлади. Замонлар ўтиши билан унинг номи тоҳдан ўчиб кетганида ҳам, лекин у ўрганган юлдузларда мангу қолаверади.

Биз сафарни Гўри Мир мақбарасидан бежиз бошлаганимиз йўқ. СССРда ягона Китоб халқаро кенглик станцияси Улуғбек номида. Самарқанддан Китобгача Қора тоғдан Помир сари ўтувчи 70 километрлар чамаси жазирама тик йўлни босиш керак.

Тахта Қарача довони сари тобора баландлаб бораяпмиз. Мармар ва гранит ҳарсанглар тор йўлни шафқат қилиб, ўз қўксида ушлаб тургандек туюлади: истаса — йўлга тош ёғдириши мумкин. Дов-дарахтсиз тақир ерлар, тумшайган жарликларда бирон жон-зот йўқдек туюлади. Лекин сал нарида кўтарилган тўфқ-ида бир нарса қимирлагандек, ўша жойдан моторнинг зўриққан овози ҳайдаган бургут истар-истамас парвоз қилди.

Икки минг метр баландликда қулоқ шанғиллади. Биз билан бирга жазирама ҳам бу ерга кўтарилди, тепамизда эса биллурдек мусаффо кўм-кўк осмон. Астрономларнинг Китобда жойлашганликлари бежиз бўлмаса керак: уларга тунда само юлдузлари чарақлаб кўринадиган шундай мусаффо осмон керакда, ахир.

Ниҳоят йўл пастлай бошлади, бизни кўм-кўк водийга олиб тушгунча анча айланди. Бир ёқда полиз. Бир ёқда ранг-баранг қиймдаги кишилар «оқ олтин»ни теришяпти. Йўл тоғдан тушгач, қаддини ростлагандек, тўғриланди. Бурилиш ишорасини излаб тўрмуламиз. Шу ернинг аллақаерида, Қашқадарё водийсида кенглик станцияси бўлиши керак.

Станция етти гектарлар чамаси келадиган катта бир парк бағрида жойлашган, унинг ёнида артезиан қудуқ минораси қад кўтарган. Қудуқ ёнидаги шинам бир уйда ўрта бўй, юзлари офтобдан қорайган сўзамол киши — Александр Михайлович Калмиков яшайди ва ишлайди. Фақат маҳаллий аҳолигина шу тахлитда қорайган бўлиши мумкин. Бу кишини ҳаттор биз кўк чой ичиб чанқоғимизни бостирган йўл ёқасидаги кичик бир чойхонадагилар ҳам билганликларига қараб: «У ҳамиша шу ерда, шу ерда ўсиб-улғайган киши», деб ўйлаш мумкин эди. Аммо, бундан аввал Калмиков Украинада яшаган, фашистлар асоратининг мудхиш дамларини бошдан кечирган киши. Уни бу ерга бундан 20 йил аввал юлдузлар ишқи бошлаб келган.

Қўлидан саррочлик ва этикдўзлик келадиган астроном. Машаққатли ҳаётида кўп нарсаларни ўрганган одам. Физика-математика фанлари кандидати Калмиков, эҳтимол, ҳозир ҳам ҳар қандай туфлини тайёрлаб, қолиплаб ташлай олар. Лекин бундай ишларга унинг вақти йўқ-да. Бутун хўжалик ташвишлари бошига тушган ҳолда директор ва айни маҳалда олим бўлиш қийин. Лекин у ташвишларини сал-палгина эслатади, аммо юлдузлар тўғрисида берилиб гапиради.

У бизни кенглик станцияси учун атайлаб ясалган ва ўз «класси» бўйича жаҳонда энг катта зенит телескопларидан бири ёнига олиб боради. Тунда биз шу телескоп орқали юлдузларга қараймиз. Ердаги кўп нарсаларни шу юлдузларига қаратиб қурамиз, кўп нарсаларни шу юлдузларга қараб ўлчаймиз. Калмиков айни эртага бир ҳафталик кузатув маълумотларини Париждаги халқаро вақт бюросига юборморғи лозим. Лекин осмонни тўсатдан булут қоплаб олса (бу жойларда бунақа ҳоллар камдан-кам бўлади), Калмиков Франция пойтахтига ҳеч нарса ёзилмаган оқ қоғоз юборади. Бу эса Китобда ҳеч нарса рўй бермаганлигини, ҳаво бузуқ эканлигини билдиради.

...Астрономлар ўтган асрнинг ўрталарида география координаталар кўчиб юришини қўқисдан пайқаб қолдилар. Улар бу ҳодисани: асбобларнинг мукаммал эмаслиги билан, кузатувчиларнинг хатоси билан тушунтиришга уринди кўрдилар. Петербурглик математик Леонард Эйлер эса олинмагунча шундай қилинаверди. Эйлер Ер қутбларининг ҳаракат қилиши мумкинлигини, бинобарин географик координаталар ўзгариши мумкинлигини XVIII асрдаёқ айтиб берган эди.

Мана шу фикрни тасдиқлаш учун кенглик ўзгаришларини Ер куррасининг узунлик бўйича бир-биридан 180 градус масофада жойлашган икки нуқтасида — Берлинда ва Гавай ороллари кузатишга қарор қилдилар. Модомики, қутблар ҳаракат қиладиган бўлса, Берлин кенглигининг катталашуви Гавай ороллариданги Гонолулу шаҳри кенглигининг кичрайишига баравар келиши керак эди. Шундай бўлиб ҳам чиқди.

Қутбларнинг ҳаракатини назарда тутиб, астрономик кузатишларни тўғрилаш иши қолди. Дунёнинг кўпгина обсерваторияларида шундай тадқиқотлар ўтказила бошлади. Лекин бу мақсадда турли методлардан, ҳар хил асбоблардан фойдаланилди. Бундан ташқари ҳар бир обсерватория тепасида турли юлдуз порлади.

1898 йилда халқаро кенглик хизмати пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда АҚШдаги икки обсерватория, Италия ва Японияда биттадан обсерватория ва Китоб обсерваторияси шу хизмат составига киради. Мана шу обсерваторияларнинг ҳаммаси 39 градус 8 минут параллелда туради ва бир программа бўйича кузатишлар олиб боради. Осмон экваторининг вазиятини бешта станция баайни қайд этиб беради.

— Шу станцияларнинг ҳар бири ўз кузатиш натижаларини Париждан ташқари ҳар ой қутблар ҳаракати халқаро бюросига ҳам юбориб туради (ҳозир шу бюро Японияда жойлашган), — деди Калмиков. — У ерда олинган материаллар ишлаб чиқилади. Юлдузларни кузатишдан жойларнинг кенглиги аниқланади, кенгликларнинг ўзгаришларига қараб Ер шимолий қутби ҳаракатининг чизғи ҳосил қилинади. Бюро узил-кесил натижаларни махсус китоб қилиб нашр этади ва ундан дунёдаги турли муассасалар фойдаланади.

Узоқдаги кичик Китобни бутун планетадаги астрономлар биладилар. Қутб ҳаракати халқаро бюросининг директори, таниқли япон олими Сигеру Ями бундай деди: «Мен Китобдаги Улуғбек номли халқаро кенглик станциясида бўлишни кўпдан бери орзу қиларидим. Ниҳоят, орзуим ушалди. Бу ердаги яхши ускуналарни кўришдан бахтиёрман. Станцияда ёш мутахассислар қандай тайёрланаётганлиги менга маъқул бўлди».

Шу диёрда, шу осмон остида Улуғбек ўзининг машҳур юлдуз жадвалларини тузган ва уларда XV аср учун ҳайратда қоларли даражада аниқлик билан 1018 юлдуз координатларини аниқлаб берган эди. Координатлар шу қадар аниқ эдики, тузилган жадвалларнинг ҳақиқийлигига ва буюк мунажжим яшаган-яшамаганлигига баъзи олимларда ҳатто шубҳа пайдо бўлди. Улуғбек асарларига қизиқиш шу қадар «атта эдики, бу жадваллар XVII асрдан бошлаб Англия, Франция ва Америкада ноёб мартадан босилиб чиқди. Улуғбекка бағишланган мақолалардан бирида мана бундай сатрларга кўзимиз тушди: «Улуғбек расадхонасининг ходимлари бажарган ишларнинг аниқлигидан улар ҳисоблаб чиқарган юлдуз йилининг давомати ҳам далолат беради. Улуғбекнинг маълумотларига кўра юлдуз йили 365 кун 6 соат 10 минут 8 секундга баравар, юлдуз йилининг ҳақиқий давомати эса, 365 кун 6 соат 9 минут 10 секундни ташкил этади. Шундай қилиб, Улуғбек йўл қўйган хатолик 1 минутдан оз эканлигини кўрамиз».

Бинобарин, жаҳондаги каттакатта астрономлар анжуманини тасвирловчи қадимги гравюралардан бирида Улуғбек энг фахрли ўринда — астрономия илоҳаси Ураниянинг ўнг қўлида ўтиргандиги бежиз эмас.

...Эрталаб биз яна Тахта Қарача довонига кўтариламиз. Кенглик станциясининг кашшофлари оғир йигирманчи йилларда мана шу довондан ошган эдилар. Улар йўлсизликдан қийналишар, безгакдан азоб чекишарди. Ўша йилларда профессор Нефедьевнинг Китоб сари босган машаққатли йўлини эслар экансиз (Нефедьевнинг умри бевақт узилганди), бу ёрда тош йўл қуриш учун нақадер куч-ғайрат кўрсатилганлигини тушунасиз. Бир вақтлар Улуғбекнинг машҳур расадхонаси турган ўттиз гўққизинчи параллелда ётувчи унумдор водийнинг эҳсонларини ортган оғир юк машиналари шу йўлдан куну тун қатнаб турибди.

Ўттиз поғонани босиб тушсангиз деворига тош терилган нимқоронғу ва салкин 10 метрлик чуқурликда бўласиз. Шу жойдан меридиан бўйлаб аниқ мўлжал олиб қўйилган улкан Улуғбек секстанти қуёш сари кўтарилади. Секстант мармар билан мисдан ишланган, унинг радиуси қирқ метрдан зиёд бўйи эса, Истамбулдаги машҳур Аё—София ибодатхонасининг бўйига баравар келган.

XVII—XVIII аср адабий манбалари шундан далолат беради. Астрономия фани ўша замонда бошқа яна шундай асбоб бўлганлигини билмайди. Қуёш, Ой ва планеталар мана шу асбоб ёрдами билан кузатилган бўлиши керак.

Расадхонага тушаверишдан бир неча қадам нарида археолог В. Л. Вяткин қабри бор. Биз Улуғбек расадхонасини қазиб очган шу кишига ранго-ранг гуллар келтирдик.

Н. ГЛАДКОВ,
В. ЧЕРТКОВ,
[«ПРАВДА»нинг махсус мухбирлари].
Узбекистон ССР.

(5 сентябрь сонидан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.50 — ТОШКЕНТ. 9.55 — Янгиликлар. 10.05 — Мультфильм. 10.15 — **«Экран хандаси».** —11.00 МОСКВА. 16.35 — ТОШКЕНТ. 16.45— Мультфильм. 16.55 — «Санъат гунчалари». 17.35 — «Фан» программаси. 18.05 — МОСКВА. 19.05 — ТОШКЕНТ. «Ахборот». 19.20 — Ёзувчи ва замон. 19.55 — Ўн минут музика. 20.05 — «Ахборот». 20.25 — **Республика областларининг телефестивали.** Экранда Жиззах области. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.50 — **«Шаҳар таронаси»** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ота-оналар, сизлар учун. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — **«Журналист»** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 16.35 — МОСКВА. Ҳайвонот оламида. 17.35 — Концерт. 18.05 — ТОШКЕНТ. «Касбим—фахрим». 18.35— Ҳужжатли фильм. 19.05 — МОСКВА. Янгиликлар. 19.15 — Болгария Халқ Республикаси телевидениеси кўрсатувлари. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Кеноҳаваскорлар экрани». 22.30 — МОСКВА. Балет ҳақида эшиттириш. 23.40 — **Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.35 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/IXда **Севилья сартароши**, 8/IXда **Золушка** (кундузи), **Кармен** (кечқурун).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Экран юлдузи — САНЪАТ САРОЙИ. «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун.

Жангга фақат «кексалар» кирадилар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ЯНГИОБОД», «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 18.00, 19.00), ҲАМЗА НОМЛИ (11.00, 13.00).

Ромео ва Жульетта — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат риштаси — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим — «ДРУЖБА» тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Ҳар кунги ҳаёт — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун); «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (18.00, 20.00, 21.30).

Дунё — Ғ. ГУЛОМ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Кумуш кўл хазинаси (жуфт соатларда), **Санников ери** (тоқ соатларда): — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Бахт билан учрашув; севги ва нўз ёши — «СПУТНИК» (15.00, 16.00, 20.00, 21.00).

Маккенининг олтинлари — ҲАМЗА НОМЛИ (14.00, 17.00, 20.00).

Оклахома (10.00, 18.00, 20.00), **Аломат қиз** (12.00, 15.00, 21.30); «МОСКВА».

Бу кишига девор писандмас — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Киров кўчаси, 11-уй)
14 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ
Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган
ЦИРК ТОМОШАЛАРИ
«ДЎСТЛИК ҚАНОТИДА»

ТОМОШАЛАР ҳар куни кеч соат 19.30; шанба кунлари — 15.00 ва 19.30 да; якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ ЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

«Главташкентстрой»га қарашли «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 4-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА

экскаваторчи ва бульдозерчи машинистлар, автогрейдерчилар, тупроқ кавлайдиган техникаларни ремонт қилувчи слесарлар (иш ҳақи — ишбай-мукофотли), ҳайдовчилар ва токарлар (иш ҳақи — вақтбай-мукофотли).

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари қузуридаги инспекторларга учрашилсин.

АХБОРОТ

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Польша киночилари Тошкентда

Революциядан кейинги оғир йилларда машҳур кино ҳужжатчи Д. Верта узоқ вақт Узбекистонда ишлаган эди. Толмас Дзига деб ном олган бу кино устаси Совет Узбекистони тарихининг дастлабки кунларини лентага олган.

Яқинда Совет ва Польша киночиларининг бир группаси Тошкентга келди. Улар ҳамкорликда «Дзига Верта кинокамераси акс эттирган жойларнинг ҳозирги куни» деган телефильм яратиш устида ишлашмоқда.

— Суратга олинадиган жойлардаги дўстона муҳит ишимизни енгиллаштирмоқда, — дейди Польша киночилари раҳбари, «Интерпресс» режиссери Кристина Гричеловская. — Фильм қаҳрамонларидан бири — Тошкентнинг Киров районидаги 12- поликлиника врачи Фарида Зоирова. Унинг қандай ишлаётганлигини кўриш ва кузатиш жуда қўнгилли бўлди. Биз «кичкинтойлар меҳрибони Ф. Зоировани, бутун иш жараёнини суратга олдик. Фильмимизнинг иккинчи қаҳрамони эса машҳур эстрада қўшиқчиси Раъно Шариповадир. Раънонинг нафис овози бизни ҳам ром этди. Унинг касби врач эканини, санъат билан шифокорлик касбини уйғунлаштириб олиб бораётганини эшитиб, қойил қолдик.

Мен жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлганман, — деди суҳбат охирида польшалик меҳмон. — Қаничадан-канча ажойиб ва гўзал шаҳарларни кўрдим. Лекин тарихий кўхна кварталларнинг замонавий бинолар билан уйғунлашиб кетганлигини, одамларнинг ниҳоятда меҳмондўстлигини кўриб, Тошкентни севиб қолдим. Бу бўлажак фильмимизнинг муваффақиятини таъминласа ажаб эмас.

Ҳ. КАРИМОВА.

Санъат обидаларига эътибор

Узбекистон ССР тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш жамиятида санъат обидаларини сақлаш билан шуғулланувчи секция очилди.

Янги секцияга республиканинг 20 дан ортиқ санъат мутахассислари аъзо бўлдилар. Секция аъзолари санъат обидаларини ва ижодкорларни ҳисобга олишда, энг яхши ёдгорликларни аҳоли ўртасида пропаганда қилиш, шу мақсадда кўргазмалар уюштириш, каталог ва турли китобчалар нашр этишда, санъат обидаларини таъмир қилиш ишларида тегишли ташкилотларга яқиндан ёрдам кўрсата бошладилар.

Санъат обидаларини янада яхшироқ пропаганда қилиш мақсадида шу ойдан бошлаб бундай ёдгорликларни муҳофаза этишга бағишланган энг яхши плакат, открытка, ёдгорлик ва нишонлар бўйича очиқ конкурс ўтказишга қарор қилинди.

О. АПУХТИН.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Пойтахтимизга ташриф буюрган Максим Горький номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленинград академик Катта драма театри ўз анъанасига кўра биринчи бўлиб буюк пролетар ёзувчисининг классик асари «Мешчанлар» драмасини намойиш қилди.

Ирик совет санъаткори СССР халқ артисти, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати Георгий Товстоногов Горькийнинг бу классик асарини юксак маҳорат билан саҳнага қўйган. Бир неча йилдирки, асар янги мавсумда биринчи бўлиб намойиш этилади. Ленинградлик санъаткорлар ўзларининг Тошкент гастролларига ҳам «Мешчанлар»ни олиб келишди.

Суратда: шу спектаклдан бир кўриниш: Бессменов ролида СССР халқ артисти, РСФСР Давлат мукофотининг лауреати Е. Лебедев, Нил — СССР халқ артисти К. Лавров.

С. Маҳкамов фотоси.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ТУРИСТЛАР КЎЧАСИ

Вильнюснинг кўҳна қисмидаги марказий магистралда — Горький кўчасида ўрта асрда қурилиб, таъмир этилган бинода бадиий фотография кўргазмалар саройлари, намойиш зали бўлган модель уйи, халқ усталарининг ясаган буюмлари қўйиладиган салонлари билан шаҳарликлар орасида машҳур бўлиб, туристларнинг эътиборини ўзига жалб этади.

Лекин бу ерда энг қизиқарли нарса якинда ўзининг 650 йиллигини нишонлаган шаҳарнинг катта интернационал анъаналаридан гувохлик берувчи ёдгорлик жойларидир. Горький кўчасида Литвада биринчи ишчи-деҳқонлар ҳукуматининг раиси ва Литва Компартиясининг асосчиларидан бири Винцас Мицкявичюс-Капускасга монумент ўрнатилган. Университет ҳовлиларидан бирининг дарвозасига кираверишдаги ёдгорлик тахтаси бу ерда Ф. Э. Дзержинский ўқиганлигини эслатиб турибди.

Минора деворларидаги лавҳа бу ерда Петр Биринчининг шведлар устидан ғалабасидан кейин А. С. Пушкининг аждоди Ганнибалга ном қўйилганлигини билдиради. Шинамгина ҳовлида «солномачи» деган ҳайкал ўрнатилганки, бу ҳайкал биринчи белорус матбаачиси Франциска Скорининг босмахонаси шу ерда бўлганлигини тасдиқлайди.

ҚАДИМИЙ СОАТЛАР УЧУН КУЙ

Катта Петергоф саройининг тож қўйиладиган хонасида инглиз устаси, Бирмингем шаҳридан бўлган Томас Опе ясаган столга қўйиладиган соат садоси яна янграй бошлади. Бу соат ўзининг куйларидан бирини охирги марта ижро этгандан буён орадан бир аср ўтиб кетди. Бу соат ҳафтанинг кунларига қараб еттита куй ижро этади.

Қадимий соатларнинг таронасини яқин орада Петродворец меҳмонларигина эшитиб қолмайди — соатнинг куйи «Мафтун» этувчи бахт юлдузи» фильмида ҳам янграйди.

Турли даврлардаги нодир асбобларни кўп йиллар мобайнида «даволаб» келаётган таъмирчилардан В. Т. Романов билан А. К. Попов қадимий механизмга ҳаёт бахш этдилар. Утмишда ўзига хос қутича Москвадаги Нескучний Сад саройининг хоналарини безаб турибди.

Романов билан Попов қадимий хронометрнинг сиринигина пайқаб қолганлари йўқ. Улар жуда кўп қадимий механизмларга жон ато этдилар. Ҳозир машҳур Петергоф соат коллекциясини тиклаш иши бормоқда. Бу соат коллекциялари саройнинг парад залларини безаб турарди.

Катта Петергоф саройига келган томошабинлар эндиликда нодир экспонатларни кўрибгина қолмасдан, уларнинг садосини ҳам эшита оладилар.

ХАЛҚ ЙЎЛИДА

ОЛТИН ТЎЙИНГ МУБОРАК

От чопганда гумбирлар,
Не-не тоғлар дараси.
Сахроларни боғ қилди
Ботирларнинг сараси.

Кўкдаги сонсиз юлдуз —
Учди, қўнди чўлларга,
Минг тасанно, тасанно —
Бўлсин олтин қўлларга.

Олтин қўллар диёри,
Узбекистон — паҳлавон.
Олтин тўйинг муборак,
Яшнайвергин жонажон!

КЎЛ ҚЎЙДИК

(ИНГИТ ҚУШИҒИ)

Дуторимнинг торлари,
Қўш бўлбулдай сайрайди.
Пахтакор, ёр, қўшиғинг
Айтсам кўнглим яйрайди.

Сочинг ўйнар шамолда
Гўё дарё тўлқини.
Ким ўзарга кўл қўйдик,
Ғайратлар тошган куни.

Пўлат отинг кишнасин,
Ҳеч толиқмай ишласин,
Ғолиб чиқсанг офарин,
Ғолибни эл ҳушласин.

СУВЧИ ЁРИМГА

(ҚИЗ ҚУШИҒИ)

Уйлаб-ўйлаб шаршара,
Хаёлимни олади.
Аҳлу-ҳушим ўғирлаб
Қайларга йўқолади?

Билсам, хабар элтаркан
Мендан сувчи ёримга.
Ғўзага жон бағишлаб
Юрган вафодоримга.

Ҳой, шаршара, шаршара,
Қайрилиб менга қара.
Шўхлик қилиб далада
Қилма уни овора.

Усмон ЮСУПОВ.

ФУТБОЛ

«ОЛТИН БОШОҚ» ИШТИЁҚИДА

Оққўрғонлик футбол ишқибозларининг омади келди. Улар яқинда «Оқ олтин» совғини учун республикамиз қишлоқ футбол командалари ўртасида ўтказилган анъанавий мусобақанинг финал ўйинларини кўрган эдилар. «Ўзбекистон 5 йиллиги» совхози командаси мухлислар ишончини оқлаб, курашда ғолиб чиққанлигини хабар қилган эди.

Иттифоқ миқёсидаги «Олтин бошоқ» совринининг зона мусобақаси мамлакат қишлоқ спорт жамиятлари Марказий Советининг қарорига мувофиқ, Оққўрғон район стадионида ўтказиладиган бўлди.

Бугун ана шу мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлади. Стадионда масъулиятли мусобақага пухта тайёргарлик кўрилди, футбол майдони қайта тартибга келтирилди, чиройли афишалар тайёрланди. Бу ерда «Узбекистон 5 йиллиги» совхози коллективидан ташқари Молдавиянинг «Колхозникул», Озарбайжоннинг «Маҳсул», Қирғизистоннинг «Колхозчи» ҳамда Қозоғистоннинг «Қайрат» спорт жамиятларининг чемпион командалари куч синашадилар.

Мусобақа Низомига кўра, учрашувлар бир даврада ўтказилади, биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган командалар финал учрашларида иштироқ этадилар.

Литва ССРнинг Капсукас шаҳрида зона турнири тугади. Болтиқ бўйи республикалари, Белоруссия ва Грузия командалари баҳси мезбонлар ғалабаси билан тугади, грузин футболчилари иккинчи ўринни эгалладилар. Қабарда-Балқар АССРда бўладиган зона турнирида эса РСФСР, Украина, Арманистон, Тожикистон ва Туркманистон командалари мусобақалашадилар.

Маълумки, ўтган йили «Олтин бошоқ» совринини Краснодар ўлкасининг «Красноармейский» совхози футболчилари қўлга киритган эдилар. Лекин бу команда мусобақа ҳақидаги Низом талабларини бузганлиги сабабли қишлоқ спорт жамиятларининг Марказий Совети кубокни финал ўйин қатнашчиси бўлган «Останкино» совхози (Москва области) командасига олиб берди.

Шундай қилиб, ҳар бир зонадан иккитадан кучли команда ҳамда «Останкино» совхози футболчилари Днепропетровск областининг Микополь шаҳрига йиғилиб, 20 сентябрдан 1 октябргача бўлган вақт ичида финал ўйинлари ўтказиб, соврин кимга тегишини аниқлаб оладилар.

А. ИМОМХЎЖАЕВ,
«Совет Узбекистони» газетасининг спорт шарҳловчиси.

ЁШЛАР КЎРИГИ

ПАХТАКОРЧИЛАРГА МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР ЕТИШМОҚДА

САМАРҚАНД. («Совет Узбекистони» мухбири). Шаҳардаги «Динамо» ва «Спартак» стадионларида ёшлар ўртасида футбол бўйича СССР чемпионатининг зона ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақада Узбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон командалари қатнашдилар. 24 августдан 1 сентябргача давом этган турнирда Бутуниттифоқ тоифасидаги судья ленинградлик А. Кишко ҳакамлик қилди.

Тошкентликлар биринчи куни Ашхабоднинг футбол мактаби ёшлари билан беллашдилар. 80 минутлик курашда республикамиз вакиллари 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Спорт мастери Лазиз Мақсудов устозлик қилаётган ёш пахтакорчилар кейинги учрашувларни ҳам зўр ўюшқоқлик билан ўтказиб, яхши натижаларга эришдилар. Иккинчи ўйин Қарағанда шаҳрининг «Шахтёр» командаси билан эди. Учрашув дуранг (2:2) бўлди. Узбекистон спортчилари учинчи турда Фрунзе шаҳри командасини, тўртинчи турда эса «Меҳнат резервлари» (Душанба) футболчиларини ютишди. Улар тўрт учрашувда еттита очко жамғариб, ярим финал мусобақаси голиби бўлдилар.

Қизғин спорт беллашувларидан кейин бош арбитр А. Кишко ва ғолиб команда устози, СССР спорт мастери Л. Мақсудов билан суҳбатлашдик.

А. Кишко: — ёшлар ўртасида футбол бўйича мамлакат чемпионати ўтказиш одат тусига кириб қолди. Бундай мусобақа дастлаб 1967 йилда Киев шаҳрида ўтказилган ва унда кейинчалик номлари жуда машҳур бўлиб кетган В. Лобановский, О. Базилевич, И. Численко, А. Кавазашвили каби футболчилар иштирок этган эди. Бу йилги футбол мавсумида ўсмирлар мусобақаси янада кенг қулоч ёйди. Чемпионатнинг зонага бўлиниб, олти шаҳарда ўтказилгани ҳам шундан далолат беради.

Беш республика командаларининг Самарқанддаги мусобақаси ёш пахтакорчилар устунлигида ўтди. Улар октябрь ойида ўтказиладиган финал мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини олдилар. Мусобақада Ашхабод командаси иккинчи, фрунзеликлар учинчи ва «Шахтёр» футболчилари тўртинчи бўлдилар.

Л. Мақсудов: — «Пахтакор» командасининг ўринбосарлари ярим финал синовларидан муваффақиятли ўтдилар. Ҳужумчилардан К. Баранчуков, Т. Усмонов, Т. Камолов, Ф. Халяков, ҳимоячи О. Носировлар яхши ўйнаганини алоҳида таъкидлашни истардим. Константин Баранчуков рақиблар дарвозасига учта тўп киритди. Галдаги вазифа ютуқларни мустаҳкамлаб, финал мусобақасида фахрли ўрин олишдир. Бунга эришиш учун тайёргарлик машиларини янада кучайтирамиз.

Л. ЭРГАШЕВ.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
9 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА
СССР биринчилиги учун олий лиганинг
«КАРПАТ» (Львов) — «ПАХТАКОР» (Тошкент).
командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Билетлар сотилмоқда.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000. ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Р. 03707. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. 209.